

## Гиёҳвандлик — ҳаёт кушандаси

Маълумки, бугунги кунда дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган иллатлардан бири — гиёҳвандлик балоси инсон умрини буткул издан чиқариши, саломатликка путур етказиши ва тинч оилаларни пароканда қилиши билан ўта хавфли саналади.

Шу боис ҳам бу иллатга қарши муросасиз кураш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Масалан, 1999 йил 19 августда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Шунингдек, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўриш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш, бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, бу турдаги жиноятни содир этган, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда даволаш чоралари ҳам қўлланилади. Хусусан, Жиноят кодексининг 96-моддаси талабига асосан, судланувчига нисбатан жазони ўташ жойларида мажбурий тартибда гиёҳвандликка қарши тиббий йўсинда даволаш чоралари белгиланади.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилаётган бир пайтда айрим кимсаларнинг мўмай даромад орттириш илинжида жиноятга қўл ураётгани афсусланарлидир.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, К.Абдуллаев ва Р.Мирзааҳмедовлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) белгиланган тартибни бузиб хорижга чиқиш, такроран Ўзбекистонга қайтиб кириш, божхона назоратини четлаб ўтиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш ҳамда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотиш жиноятини содир этган.

К.Абдуллаев 2013 йилнинг баҳор ойларида Р.Мирзааҳмедов билан танишиб қолади ва ундан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, мунтазам равишда бу захри қотилни истеъмол қилиб келади. Орадан икки-уч ой ўтгач, у таниши С.Турсуновни ҳам гиёҳвандлик воситасини сотиб олишга ва уни истеъмол қилишга ундайди. К.Абдуллаев 2013 йил 3 сентябрь куни С.Турсуновга 800 АҚШ доллари эвазига 56.38 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади.

Шундан сўнг К.Абдуллаевнинг кўрсатмаси билан Р.Мирзааҳмедовнинг бошқарувида бўлган "М-412" русумли автомашина кўздан кечирилганда, ҳайдовчи ўриндиғининг пастки қисмидан 12 дона целлофан пакетга кадоқланган 119.9 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситаси топилади.

У бу гиёҳвандлик воситаларини 2013 йил 15 августда Янгиқўрғон тумани орқали айланма йўллар билан, белгиланган тартибни бузиб, Қирғизистон

Республикаси, Жалолобод вилоятига ўтиб, терговда шахси аниқланмаган «Серёга» исмли шахсдан сотиб олгани ва Ўзбекистон Республикасига контрабанда йўли билан олиб ўтганини тан олди.

Айтиш керакки, тергов идораси томонидан К.Абдуллаев ва унинг ҳамтовоғи Р.Мирзааҳмедов Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми "в" банди, 246-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди.

Суд ҳукмига кўра, К.Абдуллаев ва Р.Мирзааҳмедовга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат қилмай осон даромад топишга уриниш, эгри йўлдан юриб ўзгаларга зиён етказиш ҳеч қачон ҳеч кимга обрў келтирмаган. Шундай экан, ҳалол яшаш умримиз мазмуни, баракаси эканини унутмайлик.

**Саматжон ҚОДИРОВ,**

жиноят ишлари бўйича

Наманган шаҳар судининг судьяси

**Икромжон ОРИФЖОНОВ,**

"Куч — адолатда" мухбири